

Мангуликка дахлдор умр.

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи
“Хотира ва қадрлаш” бўлими мудири: Д.Шайхитдинова.*

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида халқ хотираси маскани сифатида катағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида “Қатағонлик сиёсати наманганликлар тақдирида” номли экспозитсия яратилди. Экспозитсияда Исҳоқхон Ибрат, Рафиқ Мўмин, Усмон Носир каби таниқли ёзувчи ва шоирлар каторида ўз даврида шуро давлатига жону дили билан хизмат қилган Нуритдин Қориев, Мирсаид Шомирбоев, Мухиддин Шоҳимардонов, Собир Холиқов, Иномжон Низомбоев тақдирига доир қимматли хужжатлар жой олди. Катағон қурбонларидан яна бири Носирхон Тўра Камолхон Тўра ўғли тақдири ҳам аянчлидир.

Носирхон Фарғона водийсининг таниқли мадаррисларидан Камолхон тўра хонадонида 1873 йил дунёга келган. У аввал Наманган, сўнг Бухоро мадрасаларида таҳсил олди. 1913 йил ҳаж ибодатини амалга ошириб, Намангандаги Мавлавий ва Мулла қирғиз мадрасаларида мударрислик қилди. 1917 йил Наманганда тузилган “Шўрои Ислом” жамиятининг раҳбари сифатида Наманган шаҳар Думасига сайланади. Туркистон Мухторияти эълон қилинганида уни қўллаб Наманган шаҳрида минглаб инсонларни намойишга олиб чиқди ва Мухторият ҳукуматида Маориф нозири лавозимига сайланди. Туркистон Мухторият болшевиклар томонидан қонга ботирилгач, икки йил давомида катта мулла Эргаш ва Муҳаммад Аминбеклар ёнида уларга ғоявий раҳбарликни амалга оширди. Носирхон тўра 1920 йил совет давлати умумий авф эълон қилганидан сўнг 1923 йилгача Маҳкамаи Шаърияда иш олиб боради.

Носирхон тўра Тўхтаўжа Абдурахмонхўжа ўғли билан 1923-24 йиллар шўроларнинг “батраklar иттифоқи”га азалий вақф хўжалиги

бошқаруви анъаналарини жорий этиши натижасида қисқа муддатда яхшигина иқтисодий ютуқларни қўлга киритади. Шундан сўнг халқ “батрақлар иттифоқи”ни тугатишни талаб қила бошлайди. Шўроларнинг кескин қаршилигига учрагач, 1924 йил 24 феврал куни кўпчилик меҳнаткашлар советларнинг сиёсатига ялпи намоёйишга чиқади. Ташкилотчилар қамоққа олиниши билан норозилик янада авж олади.

1924 йилнинг августида Носирхон тўра Камолхон тўра ўғлининг барча мулклари давлат томонидан тортиб олиниб, ўзи Самарқанддаги тўғрилаш уйи (исправдом) га юборилди. 1925 йил 10 июлда Носирхон тўра ва Мирқатга Саид Ориф ўғли 3 йилга Оренбургга сургун қилинади. Оренбургда Муҳаммад Вали Ҳазрат хонадонидан шарқ мутафаккирлари Жамолиддин Афғоний ва Муҳаммад Абдуҳларнинг асарлари билан яқиндан танишади. Жамолиддин Афғонийнинг форсий рисоласини ўзбек тилига таржима қилади. Бу тўғридан тўғри таржима бўлмай, унга ўз фикр ва қарашларини сингдирган эди. Албатта, унинг ғоялари совет мафқурасига тўласинча зид эди. Носирхон тўра коммунистлар динни йўқ қилмоқчи, унинг ўрнига ўз ҳавои нафсига мос эркин ҳаётни, аёллар ва мулкларни умумий деб ваъда қилмоқдалар. Ваҳоланки, дин, иймон йўқ жойда на маориф, на фан, на маданият, на санъат ривожланади. Бу жамият инсониятга ҳеч бир яхшилик келтирмайди. Талайдилар, ўлдирадилар, ёқадилар сўнг алалоқибат ўзларини ҳам ҳалок этадилар деб хулоса қилади.

Носирхон тўра 1928 йил 10 август Оренбург сурғунидан озод бўлиб, Наманганга қайтади. Бутун водий аҳли, атроф қирғиз ва қозоқ овулларида ҳам уламанинг зиёратига инсонлар оқиб келадилар. Айниқса, 1928 йил 28 августда Авлиё отадан қариндошлари мударрислар Мубашширхон Саидхон ўғли ва Олтинхонларнинг келиши халқни тўлқинлантириб юборади. Совет маъмурлари Носирхон тўранинг обрўсидан қаттиқ ташвишга тушади ва янги фитна бошлайди.

1928 йил 16 октябрда Носирхон тўра ўғли Эшондадахон билан аввал Чустга, сўнг Бухоро, Китоб шаҳарларига устозлари ва шогирдларини

зиёратига йўл олади. Ундан Самарқандга ўтиб, Абдуберун, Дахбед, Хўжа Исмоил Бухоройларни зиёрат қилади. 1928 йил 5 декабрида Самарқандда шўро Ўзбекистони ҳукуматидан Москвага бориб даволаниши учун рухсат сўраб ариза ёзади. Бирок, рад этилгач, иложсиз Косонга қайтиб келади. Носирхон тўра сафари давомида ўлкада мусулмонлар учун ҳаж ибодатининг тўхтатилгани, масжидларнинг ёпилганига гувоҳ бўлди. Уни мадраса ва мактабларда исломий тарбиянинг таъқиқланиши кўрқувга солади. Шогирдлари олдида агар фарзандларимиз ўзлигидан кечиб, ҳозирги тарбия билан улғайсалар яқин келажакда миллат ва умматнинг тақдири жуда забун бир ҳолга келиб қолиши ҳақида йиғлаб маърузалар қилади. Шунингдек, шўро иқтисодиётининг бир ёқламалиги, экилган пахталарининг арзимаган пулга сотилиши, бозорларнинг очлиги ва халқнинг зулм остида хўрланиши чидай олмади.

1929 йил 1 мартда Авлиё отага шогирди ва қариндоши мударрис Олтинхон Эшонхон ўғлининг олдига боради. Икки кун унинг меҳмони бўлиб, Сўфибек масжидида имомлик қила бошлайди. Сўнг Пишпаққа ўтиб бир муддат даволангач, 1929 йилнинг май ойида Косонга қайтади.

Шундай кунларда Носирхон тўра яна ўзининг дафтарини қоралашга тушди. У раис ва вилоят ҳокимлари сайлаб қўйиладиган, уларнинг қошида мажлислар ташкил этиладиган давлат бошқаруви ҳақида ёзади. Унга кўра раис ва ҳокимлар қишлоқ хўжалиги, солиқлар ҳамда ижтимоий муҳим қарорларни мажлис раҳбарлари маслаҳати ва розилиги билангина қабул қилади. Мамлакатда ўн икки вазирлик бўлиб, ҳар бирининг вазифасига тўхталиб ўтади. Жумладан, Маориф нозирлиги таълимни бидъат ва хурофотлардан холи фойдали ва аниқ фанларга асосланиб ислоҳ этади. Бошланғич, ўрта ва Олий таълимни ташкил этиб, дарслик ва муаллимлар фаолиятини йўлга қўяди. Сиёсий бўлимнинг асосий вазифаси эса мамлакатни, мусулмонларни ҳар хил ички ва ташқи хавфлардан ҳимоя қилади. Жамиятда ҳақиқий адолатнинг қарор топиши учун курашади.

Шунингдек, эркин матбуот, солиқларни чеклаш каби кўплаб таклифларини баён қилади.

1930 йил 8 июнига келиб, биргина Наманган вилоятида Носирхон тўрага боғлаб юздан ортиқ инсонлар қамоққа олинди. ортидан тушган ГПУ изчилари Носирхон тўрани 1930 йил 15 июл куни Ўш округ, Толдик совхоздан 10-15 чақирим узоқликдаги яйловда қўлга олдилар.

1930 йил 20 август куни илк сўроқда у шўро сиёсатига қаршилиги сабабларини қатъият билан тушунтириб берди. Кейинги сўроқларда ўзининг айрим ишонган шогирдлари, қариндошлари аллақачон унга қарши бўхтонлар тўқишганидан таажубга тушди. 1930 йил 15 сентябр куни Носирхон тўрани даҳшатли қийноқлар остида бир неча вараққа имзо чекишига мажбур этишди. Ўз маваффақиятларининг учиб кетишидан кўрққан ГПУ жаллодлари 1930 йил 27 октябрь куни Шарқнинг буюк мутафаккирлари Муҳаммад Абдух, Жамолиддин Афғонийлар қаторидаги олим, уламо, қахрамон инсон Носирхон тўра Камолхон тўра ўғлини отувга буюрди. Ноҳақ ҳукм 1931 йил 13 апрель куни Тошкентда ижро этилди .

Эл – юрт учун жон фидо этган ва ноҳақ улим топган юртдошларимиз хотираси қалбларда мангу яшайди ва уларга эҳтиром бажо этамиз.



Носирхон Тўра Камолхон Тўра Ўғли.

АДАБИЙОТЛАР

1. Мозийдан садо илмий-амалий, маънавий-марифий журнал 4.(68).2015 йил сони.
2. Сан'ат журнал. 2/2013 йил сони.
3. Сан'ат Ўзбекистон Бадиий Академияси журнали 1/2018 йил №78
4. Тамаддун Тарихимизни ўрганамиз 6-сон 2023 й
5. Наманган садоси газета 3 сони апрель'.
6. Наманган вилояти меъморай обидалар сирлари. Наманган нашриёти I. YU. Юсупов. Э. Ю. Мирзалиев
7. Наманган вилояти зиёратгохлари. Наманган шаҳри 2015 й. Л. Ахмадалиева